O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 7 июнь, чоршанба • №43 (11.228) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

***Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида:***

1. Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади.

2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга ҳам жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда амалдаги ҳисоб ва ҳисобот тизимини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг алоҳида ҳисоб-китоби юритилишини кўзда тутсинлар.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб умумий савдо-сотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

Экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — мулк солиғи ундирилмайди.

3. Ушбу фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга татбиқ этилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотлари — пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга бир ҳафта муддатда ушбу фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўлланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Экспорт қилувчи корхоналар учун айрим солиқ имтиёзлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

Ҳукуматнинг илгари қабул қилинган қарорларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 5 июнь.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАНЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ХАЛҚ депутатлари Паркент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокими Турор Холтоев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланганлиги муносабати билан илгари Қибрай тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Мирзамашраб Раззоқович Куччиев Паркент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

ХАЛҚ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокими Раҳимжон Каримович Обидов ўз аризасига биноан лавозимидан озод этилганлиги муносабати билан илгари Пскент тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Жўравой Деҳқонбоевич Миралимов Бўка тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

ХАЛҚ депутатлари Юқоричирчиқ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокими Мирзахўжа Низаметдинович Қалқулов ўз аризасига биноан лавозимидан озод этилганлиги муносабати билан Алишер Гаппаров туман ҳокими этиб тасдиқланди.

## ЭРОНДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

***Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» кимтобларининг тақдимот маросими бўлди.***

Тақдимот маросимида Теҳронда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ давлатлари бош департаменти ходимлари, Халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти раҳбарлари, Эрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Мустақилликда синалган» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Акромов И. А. Каримов асарларининг қисқача мазмуни хусусида тўхталиб, Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилиши жараёнини тасвирлаб берди. Шунингдек, давлат раҳбари томонидан минтақавий хавфсизлик, тинчлик, барқарорлик, мамлакатда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни сақлаш борасида амалга оширилаётган чоралар ҳақида сўзлади.

Озарбайжон Республикасининг Эрондаги элчиси А. Ҳасанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил Ўзбекистоннинг Ташқи иқтисодий йўналишини ривожлантириш, ўзбек халқининг миллий ва маданий қадриятларини тиклаш борасидаги ҳиссасини юқори баҳолашини таъкидлади.

Илгари Ўзбекистонни иқтисодий муаммоларни ўзига хос услубда ҳал этаётгани учун танқид қилишарди, — деди икки йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимизда дипломатик ваколатхонанинг раҳбари сифатида ишлаган, айни пайтда Япониянинг Эрондаги элчиси У. Могасаки. — Аммо Ўзбекистон Президентининг ўша пайтдаги иш услуби ҳаёт тақозосидан келиб чиққан эди. Ҳозир эса биз ана ўша ҳаракатларнинг самарасини кўрмоқдамиз, бунда эса шубҳасиз, Президентнинг ҳиссаси беқиёсдир, — таъкидлади элчи.

Жаноб У. Могасаки Ислом Каримовга ўз ҳурматини изҳор этиб, давлатимиз раҳбарига соғлиқ ва хотиржамлик, юртимизга эса фаровонлик тилади.

Тадбирнинг расмий қисми якунидан сўнг тақдимот маросими иштирокчилари Президент И. А. Каримов асарлари кўргазмаси, «Ўзбекистон — менинг Ватаним» болалар расмлари стенди билан танишдилар.

***«Жаҳон» АА.***

## ҒАЛЛА ЕТИЛДИ, КОМБАЙНЛАР ШАЙ



**Вилоятимиз ғаллазорларида ҳосил пишиб етилмоқда. Айрим туманларда дон обдон пишиб етилган карталарга танлаб комбайн солина бошлади.**

*ЖУМЛАДАН, Янгийўл тумани ғаллакорлари ҳам ўрим йиғимни оммавий бошлаб юбориш учун ҳар томонлама тайёр бўлиб турибдилар. Хусусан, ғалла майдонлари комбайн киритишга мослаб, карта четларидаги буғдойлар қўлда ўрилди.*

Яқинда эса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва давлат автомобил назорати бўлими ходимлари ғалла ўрим-йиғимига жалб этиладиган техника воситаларини сўнгги бор назоратдан ўтказдилар. Текширув жараёнида «Янги ҳаёт» ва «Ниёзбош» жамоа хўжаликларида техника мавсумга тайёрланганлиги қайд этилди. Шу билан бирга айрим хўжаликларда баъзи жузий камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Айниқса, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ва механизаторлари ишига юқори баҳо берилди. 680 гектар майдондаги «Юна» нав буғдой яхши парваришлангани боис, ҳосил чўғи баракали. Механизаторлар ҳам учта «Енисей» комбайнини ўрим-йиғимга барвақт ва пухта шайлаб қўйганлар. Улар бу йил ҳосил режада белгиланган 30 центнердан анча ошишини ишонч билан таъкидламоқдалар.

— Биз 40 центнердан кам олмасак керак, — дейди ижарачи Тўлқин Камолов. — «Юна» навининг ўзига хос агротехникасини яхши ўрганиб олганмиз. Шу боис 36 гектар майдондаги буғдойимизнинг баландлиги белга уради, бошоқлар ҳам бўлиқ ва тўқ. 150 тонна хирмон уйсак, марра бизники.



***СУРАТДА:*** *«Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини Абдуманноб Ўсканбоев билан ижарачи Тўлқин Камолов бугун-эрта ўроқ тушадиган буғдой ҳосилини чамалаб кўришмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

## «ЎЗБЕКИСТОН: ЗАМИН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ»

***Яқинда Миср Араб Республикаси Ахборот вазирлиги ҳузуридаги Телевидение ва радио уюшмаси «NILE SAT» маданият каналининг мамлакатимизга бағишлаб, сунъий йўлдош орқали Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги арабийзабон томошабинларига тақдим этган телекўрсатуви ана шундай номланди.***

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаётгани, сиёсат, маданият-маърифат ва иқтисодда эришаётган ютуқлари араб давлатлари оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқишини тобора ўзига жалб этиб келмоқда.

Сунъий йўлдош орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган мазкур дастурда мисрлик етук олимлар, жамоат арбоблари ва ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Томошабинлар мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакат табиий бойликлари, сармоя ётқизиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий муаммоларни, хусусан, терроризм, экстремизм, наркобизнес каби иллатларни вужудга келтираётган Афғонистон можаросини бартараф этишдаги ташаббуслари, ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим қадамлари телетомошабинлар диққатига ҳавола этилди.

Шунингдек, дастур доирасида Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан тақдим этилган «Бунёдкорлик» ва Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий обидалар ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

***Б. ИРИСОВ, «Жаҳон» АА, Қоҳира шаҳри.***



## ЙЎЛЛАР ЧИРОЙ ОЧАВЕРАДИ

**◆ ВИЛОЯТИМИЗ ҳудудидаги умумий фойдаланишга молик автомобиль йўлларини такомиллаштириш, уларда транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл хўжаликлари беш ой давомида бажарган ишлар якуни бўйича ташкил этилган кўрик яхши натижалар берди. Бу тадбир муносабати билан халқаро ва давлат миқёсидаги анчагина йўллар қиёфаси ўзгарди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида замонавий бекатлар, машиналар кириш-чиқиш майдончалари бунёд этилди. Чорраҳалар кўркамлашди.**

**Ана шу таъмирлаш ва ободончилик ишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатган «Тошавтойўл» давлат акциядорлик бирлашмаси тизимидаги бошқармалар ва корхоналар фаолияти хусусида газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ДАРАХТЛАР БЎЙ ЧЎЗМОҚДА



Оққўрғон туманининг «Ўзбекистон» ва «Мустақиллик» маҳаллалари фаолларининг саъй-ҳаракатлари, ташаббускорликлари туфайли кўча ва хиёбонларни, ташкилот ва идоралар, хонадонлар атрофини ободонлаштириш, дов-дарахт экиб, парвариш қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бу хайрли тадбирга «Ўзбекистон» маҳалласи 300 туп, «Мустақиллик» лар эса 500 туп мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини экиб, ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, 560 туп терак кўчатлари бугунги кунда бўй чўзиб, маҳаллалар кўркига кўрк қўшаётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

***Мукаррама ТОЖИБОЕВА.***

### ҲИММАТ



ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Туман тадбиркорларининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамкорликда Янгибозор қўрғонидаги «Маржон» хусусий ошхонасида «Ғамхўрлик-2000» хайрия тадбирини ўтказишди. Унга боқувчисини йўқотган болажонлардан 30 нафари таклиф этилди.

Болажонлар ҳузурига ташриф буюрган Янгибозор маданият уйи қошидаги «Дилшод» ансамблининг хонанда ва созандалари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан тадбирга янада файз бағишлашди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

### ТУМАН ҲАЁТИ АКС ЭТАДИ



РЕСПУБЛИКА «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси туман бўлими раҳбари Тўхтамурод Тоғабоев ҳамда рассом Бердибой Ўрозбоевнинг ташаббуслари билан Дўстобод шаҳри марказида тасвирий ташвиқот-тарғибот маркази ташкил этилди. 170 минг сўм маблағ сарфлаб чиройли ва мукаммал безатилган ушбу марказда бундан буён туман аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти мунтазам ёритиб борилади.

***Дониёр КАМОЛОВ.***

### ТИНЧЛИК КОРПУСИ ҚИБРАЙДА



Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган Тинчлик корпусининг 25 нафар аъзоси Қибрай туманидаги «Дўрмон» ва «Байтқўрғон» қишлоқларидаги бир қатор мактабларда ўз дастурлари бўйича ўқувни муваффақиятли якунладилар.

Ўқув жараёнида улар ўзбек ва рус тилларини пухта ўзлаштириб, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини ўргандилар.

Тинчлик корпуси аъзолари махсус қўлланмалар бўйича тайёргарлик кўриб, кичик бизнес асосларидан таълим бериш ва илғор методик манбаалар асосида мактабларда инглиз тилини ўқитиш ишларига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

***Абдулҳамид ФОЗИЛОВ.***

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ



Оққўрғон туманида янги ишчи ўринларини яратиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам берадиган турли чора-тадбирларни амалга ошириляпти. Чунончи, туман меҳнат бўлими «Маданият», Ҳ. Олимжон, С. Сегизбоев номли ва бошқа хўжаликлар билан ўзаро шартнома тузиб уларда ишсиз бўлган 25 нафар ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этди. Улар қишлоқларни ободонлаштириш, саришталаш иши билан шуғулланадилар.

Бундан ташқари, «Оққўрғон» ширкат хўжалигидан 10дан ортиқ нафар ишсиз «Усто-шогирд» гуруҳига қабул қилинди, яна 5 нафар банд бўлмаган фуқаролар ҳам иш билан таъминланди.

***Ўз мухбиримиздан.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

# «РОВАТАК»ДА АВЖИ БАЛАНД

***ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Роватак» жамоа хўжалиги қишлоқ хўжалик ширкатига айлантирилгач, кўпгина ижобий ўзгаришлар юз берди. Ички тизимда қилинган янгиланишлардан ташқари далада ишлаётганларнинг меҳнатга муносабатлари ҳам кескин ўзгарди.***

Аввало, 614 гектар пахта майдони етмишта оилага пудрат усулида бўлиб берилиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сарф-ҳаражатлар чек дафтари жорий этилганидан сўнг ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида, сифатли ва тежамли ўтказиладиган бўлди. Жумладан, бу йил чигит ҳар қачонгидан барвақт ва қисқа муддатда экиб олингани учун 400 гектар майдондаги уруғлик ернинг табиий намига ундириб олинди. Фақат 200 гектар ерга чигит суви беришга тўғри келди. Бу биринчидан, текис ва тўлиқ кўчат олиш имконини берган бўлса, иккинчидан ортиқча ҳаражатга хожат қолмади.

Ширкат усули ва айниқса, чек дафтарчаси жорий этилгани боис ғўзани яганалаш, ўғитлаш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш ва суғориш ишлари ҳам ўз-ўзидан тартибга тушиб қолди. Масалан, бу йил 210 гектар майдондаги ғўзага 150 килограмм селитра, 100 килограмм аммофос ва 50 килограмм калий ҳисобидан биринчи озуқа берилди. Қолган майдонга эса шу меъёрдаги ўғит чигит экиш пайтида бирйўла солинган эди.

Ҳозирги кунда карталардаги ғўза ниҳолларининг ривожига қараб, 250 килограммдан 350 килограммгача азотли ўғит билан озиқлантирилиб, сувга тайёрланмоқда. Ўғит бериб бўлинган майдонлар эса пешма-пеш суғориб борилмоқда. Бугунгача қарийб эллик фоиз майдондаги ғўза биринчи сувдан чиқди. 67 нафар сувчи шу иш билан банд. Ўн иккита чопиқ трактори билан қатор оралари сифатли юмшатилмоқда. Хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонасидаги 20 нафар механизатор ҳамда бевосита далада ишлаётган 280 нафар пудратчи учун икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

*СУРАТЛАРДА: хўжалик бошқаруви раиси Фозил Мансуров билан илғор бригада бошлиғи Ойпошша Убайдуллаева ғўзанинг шоналаш жараёнини кўздан кечиришмоқда; ниҳолларнинг авжи баланд.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.**





*Замон мулкдори*

# УНИ МУСТАҚИЛ ДЕЙИШГАНИЧА БОР

*Оққўрғон туманида мустақил фаолият юритаётган фермерлар оз эмас. «Илҳом» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳусан Турсунбоев шуларнинг бири*

***«ИЛҲОМ» асосан ўтган йилдан бошлаб оғизга тушди. Ундан олдин эса... Ҳусан Турсунбоев узоқ йил бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёя бошлагач, мустақил хўжалик юритиш бобида ўзини синаб кўриш истагида 1998 йилда 2,5 гектар ер олиб, буғдой экди. Ҳосил чакки бўлмади – 42 центнер. Бу унга далда берди, ишонч уйғотди. Ўтган мавсумда бирваракайига 14 гектарга буғдой, 16 гектар майдонга пахта экди. Буғдой 56 центнердан, пахта 36 центнердан ҳосил тўкди. Айтиш мумкинки, бу нафақат «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги, балки туман миқёсида ҳам энг юқори кўрсаткичлардан бири.***

***Бу йил ғалласи 15,5 гектар, пахтаси 18 гектар. Буғдойнинг «Сангзор-8» навини, пахтанинг «С-6524» навини экди. Жами 12 киши ишлайди. Бошқача қилиб айтганда, ўн икки оила «Илҳом» ҳисобидан рўзғор тебратади. Тебратганда ҳам...***

***Хўш, Ҳусан фермерни нима учун мустақил дейишади? Ниманинг ҳисобига юқори ҳосил олишади? «Илҳом»га аъзо бўламан деганлар кўпайиб бораётганлигининг сабаби нимада? Биз бошоқлари кўкракка урадиган буғдойзор уватида Ҳусан фермер билан бафуржа суҳбатлашдик.***

**– Сизни ўз ишига пишиқ, мустақил фермер, деб таърифлашди. Хўжалик идорасига ёрдам сўраб боравермас экансиз. Туман ҳокимлигига эса, умуман, қадам босмас эмишсиз...**

– Фермерлик аслида битта мустақил хўжалик деган гап. Ҳали уни, ҳали буни сўраб, идорама-идора югуриб юрсак, фермерлигимиз қаёқда қолади. Бу ҳақда фермер бўлмасдан олдин ўйлаш керак. Фақат дон комбайнимиз йўқ холос. Бошқа техникамиз етарли. Ўғит, ёнилғи масаласини ҳам ўзимиз ҳал қиламиз. Хўжалик билан бўладиган муомаламиз ўртада тузиладиган шартномада аниқ белгилаб қўйилади. У бизнинг ҳаракат дастуримиз.

Ўзимизнинг комбайнимиз ҳам бўларди-ю, лекин янги рўзғор деганларидек, ҳали қўлимиз қисқа. Қанот-қуйруғимизни ёзганимизга эндигина бир йил бўлди. Аммо иложи бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бунинг ҳам чорасини қилаяпмиз. Аввал «Пахтабанк»нинг туман бўлими билан гаплашдик. Икки миллион сўм имтиёзли, тўғрироғи, кўпи билан 15 фоизли кредит беришга рози бўлишди. Бу ёғи пишгач, бир жойдан «Енисей»ни ҳам гаплашиб қўйдик. Ҳозир ҳужжатларни тўплаш ва расмийлаштиришни тезлаштиряпмиз. Худо хоҳласа, кредитни олишимиз биланоқ «Енисей» ҳам қўлимизда бўлади. Ана шунда бошқаларга ёрдамимиз тегса тегадики, лекин ўзимиз ҳеч кимга эланмайдиган бўламиз.

**– Пахта териш машинаси-чи? Ахир 18 гектар пахтангиз бор экан?**

– Ўтган йили 16 гектарда пахта етиштирдик. Аммо машинага эҳтиёж сезмадик. Ҳамма ҳосилни қўлда териб олдик. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Ғўза кун санайдиган экин дейишади-ку, лекин яганани боплаб, ўғити билан сувини вақтида берсангиз, тагини керагида юмшатиб, яйратсангиз, пахта эрта етилади, теримга барвақт тушилади. Бу ҳам ҳосилни тез саранжомлаб олишнинг асосий шартларидан бири. Иккинчидан, теримчиларни рағбатлантиришни ҳам билиш керак. Бизда 12 оиладан имкони бор одам теримга чиқади. Бундан ташқари четдан ҳам ёрдамчи ёллаймиз. Ҳақларини эса беш кунни кутиб ўтирмай, ҳар куни кеч-қурун тарозининг тепасида нақд тўлаб борамиз. Қўлига пул тушиб турган одам лақиллаб юрмайди, ҳаракат қилади.

Айтайлик, бир киши бир кунда ўртача 100 килограмм пахта терди. Ҳар килограммига саккиз сўмдан (масалан, ўтган йилги мавсумда) ҳақ олди. Демак, бир киши 800 сўм пул ишлади. Лекин ҳар оиладан камида икки-уч киши теримга чиқади. Мавсум 20 кун давом этганда ҳам, ҳар бир оила ўртача 30-40 минг сўм даромад топади.

**– Сизни сарф-ҳаражатда хасисроқ, жуда тежамли дейишганди...**

– Пулни қачон, нимага, қанча сарфлашни билиш керак. Айтингчи, буни хасислик деса бўлармикин? Йўқ, албатта...

**– Пулни пул топади... демоқчисизда?**

– Шундай. Техникани ҳудабеҳуда ишлатавермаймиз. Буни экиннинг талаби белгилайди. Ёнилғи билан ўғитни керагича сарфлаймиз. Терим пайтида эса пулни аямаймиз. Бу пуллар пировардида икки-уч ҳисса бўлиб қайтиб келади. Ҳосилни тез, яъни сифатини бузмай йиғиштириб оламиз. Бунинг устига қўлда терилгани учун энг юқори нархда ҳақ тўлашади. Қолаверса, машина терими кейинги йилларда қўл теримига нисбатан икки-уч сўм қимматга тушаяпти.

Фермер хўжалигимизнинг озми-кўпми даромадини 12 киши ишлаб топаяпти. Шунга яраша ҳақ олишлари керак. Биз ҳар ойда гектарига 2000 сўм ҳисобидан бўнак бериб борамиз.

**– Жуда оз-ку?**

– Бу – хамир учидан патир, деган гап. Ҳамма даромадларини санайдиган бўлсак, бармоғимиз етмайди.

**– Ҳар бир пудратчимизнинг ўртача ойлик даромади фалон сўмданга тўғри келади, деб айта оласизми?**

– Айтсак, ишонмаслигингиз мумкин. Келинг, биргаликда ҳисоблаб чиқайлик. Ўрим-йиғим якунланиб, давлат буюртмасини бажариб бўлганимиздан сўнг аъзоларимизнинг ҳар бирига 300 килограммдан текин буғдой берамиз. Бундан ташқари сўраганларга таннарҳда ҳам сотамиз. Давлатга топширган пахтамизнинг тоннасига қараб, ёғ, кунжара, чигит шелухаси олиб, уларни ҳам пудратчиларимизга тақсимлаб берамиз. Анча арзон нархда, албатта. Тасаввур ҳосил қилишингиз учун айтай: масалан, пахта ёғи қаердан олишимизга қараб 250-280 сўмдан тушади. Буларни ҳам пулга чақиб, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, аъзоларимизнинг ўртача ойлик даромадлари 20 минг сўмдан ошади.

**– Жуда кўп-ку. Ошириб юбормадингизми?**

– Ана, айтмадимми, ишонмаслигингиз мумкин, деб. Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Ер буғдойдан бўшаши биланоқ, яъни июндан кечикмай, ҳайдаб, аъзоларга бўлиб берамиз. Улар ҳам ҳашак, ҳам дон учун маккажўхори, айримлар эса кечки сабзавот ҳам экиб олишади. Чунки, арзон кунжара, чигит шелухаси берила бошлагандан сўнг хонадонларда мол кескин кўпайди. Бу ҳам оила учун қўшимча даромад манбаи эмасми ахир?

**– Эътирозга ўрин йўғ-у, шу ерда бир «лекин»и бор. Сезган бўлсангиз, айрим хўжаликларда чорвачиликка эътибор қайтадан кучайди. Доимо зарар етказадиган, ўрни эса пахтанинг даромадидан қоплаб келинган соҳа кейинги бир-икки йилдан буён фойдага кира бошлади. Айниқса, сутнинг бозори чаққон бўлиб қолди...**

– Нимага шаъма қилаётганингизни тушундим. Биз ҳам шу ҳақда ўйлаяпмиз. Пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари чорвачиликни ҳам йўлга қўйиш ниятимиз бор. Аммо ҳозир эмас. Аввал мустаҳкам база яратишимиз, экин майдонимизни янада кенгайтириб, техникамизни бутлаб олишимиз керак. Ана шунда ем ҳам, ҳашак ҳам ўзимиздан чиқадиган бўлади. Хонадонлар эҳтиёжини таъминлашдан ташқари хўжалигимизнинг ҳам озуқа базаси яратилади.

Кўп эмас, аввалига 10-15та зотли сигирдан бошлаш керак. Урғочи бузоқлар ҳисобига сигирлар подаси тўлдирилиб, кўпайтириб борилади. Новвослар эса ўстирилиб, бўрдоқига боқилади. Дастлабки йилларда ўзимизни гўшт билан таъминласак, кейинчалик бозорга ҳам чиқарилади.

**– Ана ундан кейин ўзингларда етиштирилаётган сут ва гўштни қайта ишлаш ҳақида ўйлашга навбат келади. Шундай эмасми?**

– Бу ҳам бўладиган иш. Уни келажак кўрсатади.

**– Энди бугунги гапга қайтсак. Ғўзанинг ривожи ҳақида гап йўқ. Кўчатнинг қалинлиги ҳам меъёрида. Аллоҳ деҳқоннинг кузини берса, мўлжалдаги ҳосилни оласизлар. Аммо мана бу картадаги буғдой манаман деган ғаллакорни ҳам ҳайратга соладиган даражада ҳосил тўплабди. Гап нимада, уруғдами, ёки...**

– Уруғда деса ҳам бўлади. Маҳаллий «Сангзор-8» буғдой навининг суперэлита уруғини сепганмиз. Қалинлиги бутун карта бўйлаб бирдек. Ваҳоланки, тавсия қилинганидан бироз камайтириб, яъни гектарига 170 килограммдан уруғ сарфлаганмиз. Шу тўғри бўлган экан. Агар меъёридаги уруғни сепганимизда, кўчат ҳаддан ташқари қалин бўлиб кетаркан.

Бошоқларнинг бўлиқ ва тўқлигини қаранг. Яқинда олимлар келишиб, ҳосилни аниқладилар. Ҳисоб-китобларига қараганда камида 60 центнердан тўкармиш. Жуда ҳурсанд бўлиб кетишди, гўё ўзлари эккандек.

**– Ҳосилнинг мўллиги уруғнинг зўрлигидан деяпсизу, аммо суперэлита ҳам инсофли деҳқоннинг қўлига тушсагина шунақа ҳосил тўкади. Ғўза билан ғаллага тегишли ўғитни шахсий ҳамёнини ўйлаб, сабзавотга урадиган фермерлар ҳам борлиги сир эмаску ахир.**

– Менимча, бундайлар ўзларини алдашади. Мана қаранг, биз ғалланинг ризқини қиймай, ўғитга ҳам, сувга ҳам тўйдирганимиз учун уруғбоп дон етиштирдик. Оддий эмас, элита уруғ. У камида икки баравар қиммат нархда харид қилинади. Бу жиҳатдан тенг баравар ютганимиздан ташқари, шартнома режасидан ортиқча ҳосилдан яна шунча қўшимча даромад кўрамиз. Агар биз ҳам аллакимларга ўхшаб, ўғитни «чап»га сотганимизда арзимаган пул эгаси бўлардик холос.

**– Ҳа, қалолидан қуймасин, ҳамма барака шунда.**

– Тўғри айтдингиз-у, лекин бизда бир ёмон одат ўрнашиб қолган. Режа учма-уч келган пайтда юқоридаги раҳбарлар уруғликка мўлжаллаган ғаллани ҳам умумий хирмонга топширишга мажбур қиладилар. Бу кимга зарару кимга фойда. Мана, кўриб турганингиздек, 13 гектар ерда элита уруғлиги пишиб етиляпти. У алоҳида ўриб олиниб, келаси йил ҳосили учун экилса, камида йигирмата фермер хўжалигига етади. Улар 40-50 центнердан ҳосил олганда ҳам туманнинг ғалла режаси ошиб-тошиб кетади, албатта.

Биз ҳозир туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги раҳбарлари олдига ана шундай талабни қўйяпмиз. Улар бизни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашяпти. Шу ниятимизга эришсак, туманимиз ғаллакорларига оз бўлсада, нафимиз теккан бўларди.

**Суҳбатдош Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# МУКОФОТИГА 4,5 миллион сўм

*Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ва ташкилотлар жамоаларининг муваффақиятли ишлаши муайян даражада ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатининг йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ. Қаерда ишчи-хизматчиларнинг бу оммавий техник ижодкорлиги оқилона ташкил этилган, бунинг учун барча қулай шароитлар яратиб берилган, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор лозим даражада бўлса, унинг самараси ҳам шунчалик салмоқли бўлмоқда. Буни «Тошвилоятйўловчитранс» концерни мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

Концерн ва унинг корхоналаридаги ихтирочи ва рационализаторларнинг куч-ғайратлари автомобилларни таъмирлаш ишларини такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, унинг деталлари ва қисмларини қайта тиклаш ёки янгидан яратиш, ёнилғи-мойлаш ашёларини тежаш, ишлаб чиқариш шароитларини ва экологик муҳитни яхшилаш, моддий харажатлар ва меҳнат сарфини камайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Техника ижодкорларининг изланишлари доим қўллаб-қувватланяпти. Уларга ёрдам берувчи етук мутахассислар бириктилган. Бу муҳандислар рационализаторлар ва ихтирочилардан тушган таклифларни расмийлаштирадилар, ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқадилар ҳамда улар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Ҳар бир таклифнинг иқтисодий самарадорлиги, амалга оширилиш харажатлари ҳисобга олинади. Шундан кейин уларни амалга оширишга киришилади. Айни вақтда тиниб-тинчимас бундай транспортчилар ўз вақтида рағбатлантириб турилади. Бу уларнинг ижодий изланишда яна фаол иштирок этишга бўлган интилишларини кучайтирмоқда.

## Техника ижодкорлигига кенг йўл

Концернда техник ижодкорлик анча оммавий тус олган. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни тараққий эттириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар, технологиянинг қолоқ участкаларини бартараф этиш масалалари ҳал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам концерн «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан ҳар йили уюштирилаётган ва техника ижодкорлигини кучайтиришга қаратилган анъанавий кўрик-танловда ғолиблар сафида бормоқда. Ўтган йил натижалари бўйича ҳам корпорацияда энг яхши кўрсаткичга эришилди.

Бир йил давомида 270та рационализаторлик таклифи киритилди. Уларнинг 232таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ундан кўрилган иқтисодий самара 21 миллион 550 минг сўмни ташкил этди. Янгилик ихлосмандларининг бундай саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланди. Уларга деярли 4,5 миллион сўмлик мукофот пули тўланди.

Концернга қарашли кўпгина корхоналарда бу иш яхши йўлга қўйилган. Уларда бутун бир техника ижодкорлари гуруҳи ташкил топган. Бу соҳада, айниқса, Тошкент вилоят шаҳарлараро йўловчилар ташиш автокорхонаси жамоаси яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Унинг ижодкорлари «Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли корхоналар ўртасида ўтган йил якунлари бўйича ғолиб бўлдилар. Уларга 32 минг сўмлик пул мукофоти ҳам берилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи И. Пименов, авточилангар Г. Пименовларнинг ижодий изланиши жуда самарали бўлмоқда. Улар бир нечтадан таклиф муаллифлари ҳисобланишади. И. Пименов эса вилоят йўловчи ташувчи транспорт концерни корхоналарининг техник ижодкорлари ўртасидаги беллашувда биринчи ўринни олди.

Ўзининг меҳнат фаолиятини техника ижодкорлиги билан узвий қўшиб олиб бораётган, қимматли таклифлари билан ишлаб чиқаришнинг турли хил муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бераётган, кўплаб маблағнинг тежаб қолинишига ҳисса қўшаётган рационализаторлар бошқа автокорхоналарда ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Чирчиқ автосаройи бош механиги Е. Раскатов ва чилангар А. Мустафоев, Янгийўл автосаройи бош муҳандиси Э. Абдураҳмоновлар шулар жумласидан. Улар сафига Ангрен автосаройи асбобсози М. Бўрибоев, токар Р. Загидулин, Бекобод автосаройи ҳайдовчиси Т. Мадраҳимов, Оққўрғон автосаройи токари К. Мавлонов, Зафар автосаройининг шундай касб эгаси бўлган Н. Нортойлоқов, Келес автосаройи ҳайдовчиси И. Даминов ва бошқа ўнлаб янгилик ихлосмандларини ҳам қўшиш мумкин.

Ўзларининг самарали техник ижодкорликлари билан корхоналарининг бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам бир маромда ишлашларига муносиб ҳисса қўшаётган ихтирочилар ва рационализаторлар 2000 йилда ҳам юксак марраларни кўзламоқдалар. Илмий-техника тараққиётини таъминлашга қаратилган юзлаб таклифларни амалга оширишни режалаштириб қўйишди. Ўтган йили «Ўзавтотранс» корпорацияси бирлашма ва концернлари, корхоналари ўртасидаги кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаганлари уларни янги-янги ихтиролар сари руҳлантирмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ, Усмон МУҲАМЕДОВ.**

# ЭСИМДА ЎША ДАМЛАР...

*Собиқ синфдошлар учрашуви. Бу тадбирни дастлаб ким ва қачон ўйлаб топгану қачондан бери у анъана тусини ола бошлади, деган саволларга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Лекин, нисбатан янги анъана бугунги кунда турмушимизга дадил кириб бораётганлиги рост.*

Илк бора мактаб остонасига қадам қўйган болажонлар ўн йил мобайнида устозлари, муаллимлари қўлида илм машаққатларини аста-секинлик билан ўзлаштира бошлайдилар. Эндигина мактабни битириб, муаллимларидан олган сабоқларини мустаҳкамлаган ўспиринларнинг йўллари айри тушган дамлардан бошлаб мустақил катта ҳаёт уларни ўз бағрига олади. Албатта, назарий жиҳатдан бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Ўртачирчиқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида ўқиган собиқ ўқувчилар учун вақт чархпалаги роппа-роса йигирма йил ортга қайтгандай бўлди.



Собиқ ўқувчилар шу куни ўз мураббийлари Ғофир ака, Ойша опа, Рихси опа, Насиба опа, Уминиса опа, Ўткир ака, Тошпўлат ака, Кирмоншох ака, Абдулла ака, Клавдия Михайловналар атрофида худди болалик йилларида гирдикапалак бўлишганидек парвона бўлиб, суҳбатлашишди. Улардан Мирзокир Фозилов, Маъмуржон Шофозилов, Гулчеҳра Ирисбоева ва бошқалар ўз мураббийларига дил изҳорларини билдиришди.

Йигирма йилдан сўнг учрашган синфдошлар ҳаяжонли дақиқалардан эсдалик сифатида ўқитувчиларига, мактаб маъмуриятига қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Қарилик гаштини сураётган ўқитувчилар ҳам бундай ажиб, ширин хотираларга сабабчи бўлган унутилмас учрашувдан мамнун бўлишди. Йигирма йил нима деган гап. Шу куни собиқ синфдошлар ҳали эллик йиллик учрашувларни биргаликда, жамулжам ўтказиш насиб этишига тилак билдиришди. Ниятларингиз ижобат бўлсин, дўстлар!

**Толиб ҲАКИМОВ, Мастура ХЎЖАЕВА.**

*СУРАТДА: учрашув онларидан лавҳа*

**Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.**

# СТЕВИА – ФОЙДАЛИ ЎСИМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар тажриба-намуна биологияси институтида стевиа ўсимлигини кўпайтиришнинг илмий асосларини яратиш борасида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республика Миллий университетининг ботаника боғида ўтказилган тажриба-кузатиш жараёнида стевиянинг биоморфологик хусусиятларига доир қимматли маълумотлар олинди.

Бу фойдали ўсимликни Тошкент вилояти иқлим шароитида етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўрганилди.

**Акбар АЛИЕВ.**


# ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги*
*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази*
*Тошкент вилояти ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси*

## ТОШКЕНТ ТУМАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИ

**2000-2001 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

***9-синфни битирувчилар учун***

- Банк операциялари бўйича мутахассис — 3 йил.
- Ҳуқуқшунос иқтисодчи — 3 йил.

*Абитуриентлар ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:*

ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3x4 ҳажмдаги 6та фотосурат, яшаш жойидан маълумотнома.

***Қўшимча маълумотларни 125-71-73, 125-71-74 рақамли телефонлар орқали олиш мумкин.***

***Манзил: Тошкент тумани, Дархон қўрғони.***

***Транспортлар: 123, 179-автобуслар, «Юнусобод-Кўктерак» йўналишидаги автобус, 25-трамвайнинг «Уч қаҳрамон» бекати.***

